

TAQIQLANGAN RO'YXATGA KIRITILGAN ASOSIY O'ZGARISHLAR VA ULARNING IZOHLARI

2026 yilgi taqiqlangan ro'yxat

HAMMA VAQT (MUSOBAQA VA MUSOBAQADAN TASHQARI
DAVRLARDA) TAQIQLANGAN

TAQIQLANGAN MODDALAR

S1. Анаболик моддалар

- S1.1 бўлимида тақиқланган стероидларнинг эфирлари ҳам тақиқланганлиги кўрсатиб ўтилган.

S2. Пептид гормонлари, ўсиш омиллари, уларга ўхшаш моддалар ва миметиклар

Пегмолесатид янги ЭПО-миметик моддага мисол сифатида қўшилган.

S3. Бета-2 агонистлар

- Салметерол дозалари орасидаги интерваллар терапевтик диапазон¹дан ташқаридаги эргоген таъсирларни олдини олиш учун қайта кўриб чиқилган. 24 соат давомидаги максимал 200 мкг доза ўзгаришсиз қолдирилган.

S4. Гормон ва метаболик модуляторлар

- Ароматаза ингибитори сифатида, α -нафтофлавон ёки 7,8-бензофлавон деб ҳам номланувчи 2-фенилбензо[*h*]хромен-4-он қўшилди. Ушбу синтетик модда биологик фаол қўшимчаларда топилган.
- 5-N,6-N-бис(2-фторофенил)-[1,2,5]охадиазол[3,4-б]пиразин-5,6-диамин, ёки ВМ15 номи билан ҳам танилган модда АМР иштирокида фаоллашадиган протеин киназа (АМРК) активатори сифатида қўшилган. Ушбу синтетик модда биологик фаол қўшимчаларда топилган.

1

¹ Thoueille P, Danion A, Hostrup M, Petrou M, Deventer K, Buclin T, Girardin F, Mazzoni I, Rabin O, Guidi M. Pharmacometric-based evaluation of salmeterol and its metabolite α -hydroxysalmeterol in plasma and urine: practical implications for doping control. Submitted for publication.

ТАҚИҚЛАНГАН УСУЛЛАР

М1. Қон ва қон таркибини манипуляция қилиш

- Қон ёки унинг таркибий қисмларини олиш тақиқланганлигига аниқлик киритилган. Бунда фақат 1) таҳлилий мақсадлар, шу жумладан тиббий тестлар ёки допинг назорати ёки 2) фаолият юритаётган мамлакатнинг тегишли назорат органи томонидан аккредитациядан ўтган қон йиғиш марказида хайрия мақсадларида олинган қонлар бундан мустасно. Тромбоцитларга бой плазма (ПРП) ва тегишли процедуралар ҳали ҳам тақиқланмаган.
- Углерод оксиди (СО)дан диагностик бўлмаган мақсадларда фойдаланиш тақиқланган усуллар рўйхатига янги М 1.4. бўлим сифатида киритилган, Муайян шароитларда у эритропоезни кучайтириши мумкин. Умумий гемоглобин массасини ўлчаш каби диагностика мақсадида углерод оксидидан фойдаланиш ёки ўпканинг диффузия қобилиятини аниқлаш тақиқланмаган. Амалдаги сўз (чекиш каби) табиий ёниш жараёнлари, (чиқинди газлар каби) атроф-муҳитга таъсири ёки диагностика процедуралари натижасида қилинадиган ноқонуний истеъмолни фарқлаш учун танланган.

М3. Ген ва ҳужайра допинги

- Ҳужайра компонентлари (масалан, митохондрия ва рибосомалар каби ядролар ва органеллалар) ҳозирги мавжуд нормал ёки генетик модификацияланган ҳужайралардан фойдаланишни тақиқлашга (қўшимча сифатида) қўшилган.

ТАҚИҚЛАНГАН МОДДАЛАР

S6. Стимуляторлар

- 2-[бис(4-фторофенил)метилсулфинил]ацетамид (флмодафинил) ҳамда 2-[бис(4-фторофенил)метилсулфинил]-N-гидроксиацетамид (фладрафинил) S6. носпецифик стимуляторлар рўйхатига қўшилган. Ушбу тасдиқланмаган моддалар модафинил ва адрафинилнинг аналоглари бўлиб, биологик фаол қўшимча сифатида сотилади.

S9. Глюкокортикоидлар

- Глюкокортикоидларнинг организмдан чиқиш жадвалига изоҳ сифатида қуйидаги тушунтириш қўшилган:
“Организмдан секин чиқадиган глюкокортикоид препаратларини қўллаш уларнинг узок муддат тизимли сўрилиши туфайли организмдан чиқиш давридан кейин (ҳам) глюкокортикоидлар даражасининг ошишига олиб келиши мумкин.”

Қабул қилиш йўли	Глюкокортикоид	Чиқиш даври*
Оғиз орқали**	Барча глюкокортикоидлар;	3 кун
	Триамсинолон; триамсинолон ацетониддан ташқари	10 кун
Мушак остига***	Бетаметазон; дексаметазон; метилпреднизолон	5 кун
	Преднизолон; преднизон	10 days
	Триамсинолон ацетонид	60 кун
Маҳаллий укол*** (шу жумладан периартикуляр, интраартикуляр, периартикуляр ва интратендинал)	Барча глюкокортикоидлар;	3 кун
	Преднизолон; преднизон; триамсинолон ацетонид; триамсинолон гексацетониддан ташқари	10 кун
Ректал	Барча глюкокортикоидлар;	3 кун
	Триамсинолон диацетат; триамсинолон ацетониддан ташқари	10 кун

- * "Чиқиш даври" охирги (қабул қилинган) дозадан мусобақа даврининг бошланиш вақтигача бўлган вақтни англатади (яъни, агар WADA маълум бир спорт учун бошқа даврни тасдиқламаган бўлса, спортчи иштирок этиши режалаштирилган мусобақадан бир кун олдин соат 23:59 дан бошланади). Бу глюкокортикоидларнинг чиқиш даражаси белгиланган даражадан паст бўлишини таъминлаш учун амалга оширилади.
 - ** Оғиз йўллари орқали қабул қилишга, оғиз шиллиқ қавати, оғиз бўшлиғи, милк, тил ости орқали қабул қилишлар ҳам киради.
 - *** Организмдан секин чиқадиган глюкокортикоид препаратларини қўллаш уларнинг узоқ муддат тизимли сўрилиши туфайли организмдан чиқиш давридан кейин (ҳам) глюкокортикоидлар даражасининг ошишига олиб келиши мумкин.
- Чиқиш даври жадвали қуйидаги тез-тез сўраладиган саволлар рўйхати <https://www.wada-ama.org/en/prohibited-list/faq-anchor> шунингдек, Глюкортикоидлар ва Терапевтик истиснолар йўриқномаси <https://www.wada-ama.org/en/resources/therapeutic-use-exemption/glucocorticoids-and-therapeutic-use-exemptions-guidelines> да ҳам келтирилган.

МОНИТОРИНГ ДАСТУРИ

- Сийдик таркибидаги семаглутидни мониторинг қилиш тирзепатид таркибини мониторинг қилишни ҳам ўз ичига олиши очиқланган.
- * Олдинги ўзгаришлар ва тушунтиришлар ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун қуйидаги тақиқланган рўйхат борасида тез-тез сўраладиган саволларга қаранг <https://www.wada-ama.org/en/prohibited-list/faq-anchor>.